



фуқаролар ва тадбиркорлар, президент Шавкат Мирзиёев қабулхонасига шикоят қилишга уринаётганларни ноқонуний ҳибсга олиш ва таъқиб этишни янада фаоллаштирган.

Рустам Инояттов ва Ботир Парпиевнинг мақсадларига кўра, бошқариладиган низолар Шавкат Мирзиёевни обрўсизлантириш ва ундан ўз халқини алдаётган ёлгончи президент образини яратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, куда-олигархларнинг фитнасига кўра, Ўзбекистон чекист олигархларининг мавқеига ва

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ИНОЯТОВНИНГ МХХЧИ ОЛИГАРХЛАРИ МИРЗИЁЕВГА ҚАРШИ БОШҚАРИЛАДИГАН НИЗОЛАРНИ ТАЙЁРЛАШМОҚДА

Шу йилнинг феврал ва март ойлари Андижон вилоятида “Дамас”да йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи хусусий киракашлар фаолиятига қўйилган таъқиқ ва Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида газтаъминоти корхонасининг олдида катта миқдордаги қарздорлиги учун 47 ёшли фуқаронинг ўзига ўт қўйиб юбориши билан эсда қоладиган бўлди.

Шунингдек, шу қисқа давр ичида хусусий савдо қилувчилар ва тадбиркорлардан олинадиган қатор йиғимлар миқдори оширилди, Самарқанд вилоятида аҳолининг унча йирик бўлмаган норозилик пикет-чиқишлари бўлиб ўтди. Шундай қилиб...

Бошқариладиган низолар Мирзиёевнинг сиёсатига қарши чиқиш ва президентни обрўсизлантириш шакли

МХХ раиси Рустам Инояттов ва унинг қудаси Ботир Парпиев билан ҳамкорликда бошқарилаётган Ўзбекистон чекист олигархлари томонидан оддий халқ ва тадбиркорларга нисбатан қатағон ишларини амалга оширишни режалаштиришмоқда. Инояттов мххчиларининг шум ниятларига

кўра, МХХ, прокуратура ва солиқ инспекциялари тарафидан кўриладиган чоралар боис одамларни кўчаларга олиб чиқиш орқали уларни куч ишлатар тизимлар билан тўкнаштириб бутун республика бўйлаб оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш режалаштирилмоқда.

МХХчи олигархлар Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида худди шундай низоларни келтириб чиқаришни режалаштиришмоқда.

Унда фаоллар президент Мирзиёевнинг берган ваъдалари билан қилаётган амалий ишларининг ўртасида зиддиятлар борлигига қарши ўз норозилиklarини билдиришлари лозим. Бунинг учун жойларда ҳокимликлар, прокуратура органлари ва солиқ инспекциялари вакилларига президент Мирзиёевнинг талабига тесқари равишда МХХнинг республика аппарати томонидан аҳолини газ ва электр тармоғидан узиб қўйиш ҳақида яширин топшириқ берилган. Бундан ташқари, хавфсизлик хизмати ходимлари жойларда мусулмонларни эътиқодига кўра, шунингдек, ўзгача фикрловчи

бизнес-империясига тажовуз қилмоқчи бўлган “президент оммавий тартибсизликлардан кейин ақлини йиғиб олиши ва тўхташи керак”.

Ўтган йил охирида президент хавфсизлиги хизматидан ишдан бўшатирилган ҳарбийлар ва полковник Махмуд Худойбердиевга тегишли аскарлар билан биргаликда Шавкат Мирзиёевни президентлик постидан ағдариш ушбу лойиҳанинг яқунловчи босқичи ҳисобланади.

Ҳозирча МХХнинг норасмий махфий ходимлари тармоғи бошқариладиган норозилиklarларни ташкил этиш лойиҳасининг биринчи босқичини бажаришга қиришган. МХХнинг бу тармоғи Ўзбекистон аҳолиси орасида президент Мирзиёев бу сиёсати ва ўтказётган ўз ислохотлари билан гўёки 25 йил давомида мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қилган тизимнинг нурашига олиб келади, деган миш-мишларни тарқатишни бошлаганлар.

МХХнинг миш-миш тарқатувчилари асосий диққатни “Мирзиёев ўғри, мафиозлар ва порахўрларга иш берди”,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Мирзиёев президент девонини ўзининг оилавий корпорациясига айлантирди”, “Мирзиёев қирол бўлиб туғилмаган ва қирол бўлишга нолайиқ” каби гап сўзларга қаратмоқдалар. Норасмий мххчилар тармоғи томонидан аҳоли ўртасида тарқатилаётган ва оддий кишиларга сингдирилаётган миш-мишларнинг бир қисминигина кўштирноқ ичида келтирдик.

Президент Мирзиёевга қарши тузилаётган лойиҳанинг асосий мафқурачиси ва ташаббускори Рустам Иноятов ушбу махфий фитна доирасидаги шахсий вазибаларини бажаришга киришди. Шундай қилиб...

Сохта-чўлоқ нега ишга чиқмаяпти?

Мана йигирма кундирки МХХ раиси Рустам Иноятов, ишга чиқмаяпти. Ваҳоланки, президент унинг ишдан кетиши ҳақидаги аризасини ҳали имзоламаган, Бундан ташқари раиснинг ўзи қасал ҳам эмас. Шунга қарамасдан Ўзбекистон махсус хизмати раҳбари президент унинг аризасига имзо қўйиш-қўймаслигидан қатъий назар ҳали олдиндан ишга чиқмаслигини ўз ёрдамчилари орқали билдирган. Бугунги кунда Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизматини исми-шарифи ҳали бизга номаълум бутунлай бошқа бир шахс бошқармоқда. Аммо бизга шуниси аниқки, Рустам Иноятовнинг расман истеъфосидан кейин айни пайтдаги вақтинчалик раҳбар миллий хавфсизлик хизматининг раиси лавозимини эгалламайди.

Рустам Иноятов ўзбек “идора”си раҳбариятидан бекорга четда тургани йўқ. Тахминларимизга кўра, сохта-чўлоқ Иноятовнинг ўзини четга олишининг сабаби шулар: бошқариладиган низолар ва норозиликларни ташкил қилиш лойиҳаси барбод бўлган тақдирда ўзини бунга алоқаси йўқлиги ва махфий фитна оқибатлари учун жавобгар эмаслигини намоён этишдир.

Шундай тахмин қилишимизга жиддий асосларимиз бор. Чунки, кейинги 20 кун давомида Иноятов ўз “идора”сидан бўлган телефон кўнғироқларига мутлақо жавоб бермаган. Шунингдек, у ўзининг чекистлари билан учрашишни ҳам истамаяпти. Лекин айни пайтда Иноятов ҳар куни Ботир Парпиев ва Файзулло Муллажонов,

Мўйдинжон Тоҳирий ва ака-ука Шарифходжаевлар билан учрашиб турибди. Сохта-чўлоқ “идора” билан бўлган барча алоқаларни расман МХХдан четлатилган Ҳаёт ва Жавдат Шарифходжаевлар орқали амалга оширмоқда. Бу эса ўз навбатида Рустам Иноятов фитнага “идора”дан ва давлат хизматидан четда туриб раҳбарлик қилмоқчи, деган фикрга қилишимизга туртки берди.

Ваҳоланки, у зимдан ҳаракатга тушиш ва турли ўйинларни амалга ошириш бўйича бой тажрибага эга. Биз бунга ёрқин мисол сифатида ўтган йилнинг сўнгида Иноятов, “даволанишда бўла туриб” Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси телеканални воситасида президент Мирзиёевни обрўсизлантириш бўйича бир тадбирга раҳбарлик қилган. Шундай қилиб...

Янги йил оқшомида ЎзТВда президентни “техник” жиҳатдан обрўсизлантириш

2016 йилнинг 31 декабри, шанба куни, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг ўша вақтдаги раиси Алишер Ходжаев ва «Ўзбекистон» телеканални раҳбари Нодир Тўлагановлар, МХХ раиси Рустам Иноятовнинг топшириғи билан, юқорида айтиб ўтилган канал орқали президент Шавкат Мирзиёевнинг янги йил табригини эфирга узатиш вақтида «техник нуқсон»ни уюштирди. Уларнинг саъй ҳаракати билан «Ўзбекистон» каналини эфирга узатиш атайлаб секинлаштирилган эди, натижада президентнинг сурати ва нутқи бироз вақт қотиб қолди ва охири умуман узиб қўйилди.

Бу - Иноятов олигархларининг, Ислон Каримов замонидаги каби президент табриklarини ўзбек телевиденияси дикторлари томонидан ўқиб эшиттириш ўрнига Президент Мирзиёевнинг – халқни жонли эфирда ва шахсан табриклаш янгилигига ўзига хос норозилик эди. Бу - мххчи олигархларнинг Шавкат Мирзиёевни обрўсизлантириш ва унинг ташаббусларига қарши бош кўтариш борасидаги биринчи тадбири эди.

Эртаси куни режим бўйича ўринбосар телерадиокомпания раисига мамлакат президентининг табригини эфирга узатиш вақтида юз берган техник нуқсон сабабларини текшириш талабномаси билан муурожаат қилди. Аммо Алишер Ходжаев ўз ўринбосаридан

тинчланишни ва ўзига қелишини сўраб, унга «хеч қандай кўрқинчли ҳодиса бўлгани йўқ»лигини айтган. Шунда режимчи-ўринбосар бу масала бўйича МХХ раиси Рустам Иноятовнинг ўзига муурожаат қилган. Ўзбек махсус хизматлари бошлиғи ЎзТВдаги МХХ ишчисига қатъий жавоб бериб, унга «ўзига тегишли бўлмаган ишларга бурун сукмасдан, катта даромад келтираётган ўз курсиси кадрига етишини» сўраган.

Президент табригини эфирга узатишда юзага келган муаммога бағишланган Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасида бўлиб ўтган махсус мажлисида Иноятов югурдаклари Алишер Ходжаев ва Нодир Тўлагановлар ҳамма айбни телеканалнинг техник ходимларига юклашди. Шу билан бу ишга нуқта қўйилди ва асосий айбдорлар жазосиз қолди. Мавриди келган экан, биз Иноятовнинг югурдаклари Алишер Ходжаев ва Нодир Тўлагановларнинг ЎзТВдаги молиявий фирибгарликлари ва баъзи ахлоқсиз хатти-ҳаракатларини фош қилишга қарор қилдик. Шундай қилиб...

Экранизация - диванизация орқали, пулларни ювиш эса - «ВМ» компанияси орқали

Авалло шунини айтиш керакки, телерадиокомпания раиси Алишер Ходжаев, унинг ўринбосари Хайрулла Нуриддинов, «Ўзбекистон» телеканални раҳбари Нодир Тўлагановлар ЎзТВ ва юқорида таъкидланган канални ўзига хос ишратхона ва фоҳишахонага айлантиришган. «Ўзбекистон» телеканалда ва умуман ЎзТВда, ходимларни конкурс орқали ишга олиш ёки янги телелойиҳаларни тасдиқлашда телевидение раҳбарияти ё пора беришга рози бўлган эркак-номзодларни, ё Алишер Ходжаев, Хайрулла Нуриддинов, Нодир Тўлаганов ёки ЎзТВнинг бошқа раҳбарлари билан жинсий алоқада бўлишга рози бўлган аёл-номзодларни танлаш оддий ҳолатга айланиб қолган. Ташқи гўзалликка эга бўлган қизларга эса ЎзТВ раҳбарияти мансаб поғонаси бўйлаб ўсиш ва доимий моддий-молиявий таъминот эвазига ҳаттоки иккинчи хотинликни ҳам таклиф қилади.

Шунинг учун ўзбек телевиденияси журналистлари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

орасида, «ЎзТВда экранизация диванизация орқали амалга оширилади» деган ҳазил пайдо бўлган. Шундай экан «телеисловатхона» ва «телефоҳишахона» лақаблари ўзбек телевидениясидаги ишларнинг бугунги ҳолатига тўла мос келади.

Энди эса Алишер Ходжаев ва Нодир Тўлагановнинг молиявий фирибгарликларига тўхталамиз. МХХ раиси Рустам Иноятовнинг оғзаки кўрсатмасига кўра, ЎзТВнинг собиқ раиси ва «Ўзбекистон» телеканалнинг амалдаги раҳбари реклама берувчилардан келиб тушадиган пулларни ювишнинг ноёб тизимини яратишган. Ушбу тизимнинг ноёблиги шундаки, агарда реклама берувчи реклама буюртмаси билан тўғридан тўғри ЎзТВга мурожаат қилса, у ҳолда буюртмачига юз фоизлик реклама тарифлари таклиф қилинади. Агарда буюртмачи шу буюртма билан Иноятовнинг «ВМ» компанияси орқали мурожаат қилса, у ҳолда унга эллик фоизлик тарифлар таклиф қилинади. Яъни, телерекламани «ВМ» компанияси орқали буюртма бериш, ўзбек телевидениясига тўғридан тўғри буюртма бергандан кўра икки баробар арзонроқ бўлади. Ваҳоланки аслида тескариси бўлиши керак.

«ВМ» компаниясининг расмий раҳбари ва таъсисчиси Иноятов югурдаги бўлган Ражаб Латиповдир. Унинг фирмаси орқали миллионлаб эмас, балки миллиардлаб сўм ювилганига қарамасдан, очкўз Р.Латипов таҳдид ва шантаж билан «Дори-Дармон», «ЎзбекТелеком» каби йирик давлат компанияларини ва бошқа корхоналарни телереклама қилишга эришди.

Ўша пайтдаги ЎзТВ раисининг розилиги билан «Ўзбекистон» телеканали раҳбари Нодир Тўлаганов ва «ВМ» компанияси бошлиғи Ражаб Латипов Миллий телерадиокомпаниянинг энг қимматбаҳо ускунасини фақатгина «Ўзбекистон» канали ва «ВМ» хусусий компанияси манфаатлари йўлида ишлатишади, ваҳоланки бу ускуна Миллий телерадиокомпаниянинг барча телеканаллари фаолиятига хизмат кўрсатиш учун Япониядан сотиб олинган эди.

Шу сабабдан, ҳар бири ярим миллион доллар турадиган

телекамералар, шунингдек бошқа қимматбаҳо телетехникалар фақатгина Нодир Тўлаганов ва Ражаб Латиповларнинг иқтисодий манфаатлари учун ишлатилади. Шу йўл билан бу ускуналарда «ВМ» компанияси мутахассислари ўз буюртмачилари («Зи-Зи», «Канго», «Пепси» ва бошқалар) учун реклама роликлари тайёрлашади, шунингдек ўзбек шоу-бизнеси вакиллари учун клиплар суратга олишади ва монтаж қилишади.

Безбетлашиб кетган Нодир Тўлаганов ва Ражаб Латиповлар ушбу камералар ва ускуналарни ҳаттоки президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари ва сафарлари ҳақида сюжетларни суратга олиш ва тайёрлаш учун ишлатишдан ҳам бош торттишмоқда. Қачонки журналистлар шу мақсадлар учун қимматбаҳо камераларни ажратишни сўрашса, Н.Тўлаганов ва Р.Латиповлар очикчасига: «Арзон тадбирлар қимматбаҳо телекамера ва монтаж ускуналарига арзимайди», деб жавоб беришади.

Тўлаганов ва Латиповларнинг бундай ҳатти-ҳаракатларидан ҳеч ким ҳеч қайсқа арз қилолмайди, чунки бу икки сурбетнинг ортида МХХ раиси Рустам Иноятов ва мххчи олигархлар туришини ҳамма билади.

Иноятов югурдаклари Нодир Тўлаганов ва Ражаб Латиповларнинг молиявий фирибгарликлари ҳақида гапирарканмиз шуни таъкидлаш жоизки, «ВМ» компанияси лицензияланган чет эл телесериалларини етказиб берувчи асосий компания ҳисобланади. Аслида эса бу компания томонидан тақдим этилган телесериалларнинг биттаси ҳам расмий лицензияга эга бўлмаган. Ражаб Латипов ушбу сериалларни ноқонуний тарзда интернетдан юклаб олиш ва кейин ўзбек телевидениясига, хусусан, «Ўзбекистон» телеканалига етказиб бериш билан шуғулланади. «ВМ» компанияси «ўғиргандан» телесериалларни етказиб берганлиги учун ҳам ЎзТВдан катта маблағлар олади.

Иноятовнинг «ВМ» компаниясида тўпланган кўп миллиардлик маблағлар ака-ука Ҳаёт ва Жавдат Шарифхўжаевларнинг фирмалари орқали нақд ва конвертация қилиниб, кейин «Orient Finans Bank» ва «Asia Alliance Bank» банклари орқали Латвия ва бошқа давлатларга чиқарилади.

Яқинда президент Шавкат Мирзиёев ҳукуматнинг селектор мажлиси вақтида ЎзТВда танқидий ва таҳлилий материалларнинг йўқлигидан арз қилди. Президент «Ўзбекистон» телеканалининг «Ахборот» дастури ўз номи ва мўлжалланган мақсадида жавоб бермаслигини айтди. Ўғри ва фоҳишалар тўдаси таҳлилий ва танқидий телематериалларни қандай тайёрласин?! Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида

Иноятов ва МХХ олигархларининг ҳеч ҳам чекиниш ёки таслим бўлиш ниятлари йўқ. Бизнинг фикримизча, бу вазиятда президент Мирзиёев мамлакатнинг оддий аҳолиси ва у юритмоқчи бўлган сиёсат ва ташаббусларга хайрихоҳ бошқа кучлар қўллаб-қувватлашига жуда ҳам муҳтож.

Бизнингча, президент атрофидагилар, «идоранинг»нинг жазо чораларидан чўчиган ҳолда, президентнинг ташаббусларини жасорат ва қатъийлик билан қўллаб-қувватлашга шошилишмаяпти. Фикримизча, президентнинг атрофидагилар, фақатгина мамлакат раҳбарининг кўрсатмаларини бажариш билан чекланган ҳолда, пайт пойлаш ва кузатиб туриш позициясини эгаллашган.

Шу сабабдан биз ўзбек ҳукумати ва президент Мирзиёев атрофидагиларни мамлакат раҳбари ташаббусларини амалга оширишда қатъийроқ бўлишга ва мххчи олигархлардан кўрқмасликка чақирамиз. Ҳозир фақатгина бошлиқ бўлиш эмас, балки ўз соҳасининг лидерлари бўлишнинг вақтидир.

Оддий бошлиқ буюрилган топширикни шунчаки ижро қилиш ва топширикларни ўз қўли остидагиларга юклаш билангина чекланади холос. Лидер эса жасорат билан янги фикрлар таклиф қилади, ишда ўзи ўрнатилган, қўл остидагиларни ўз ортидан эргаштиради ва ўз ҳаракатларида қатъийлик билан ажралиб туради.

Сиёсат қатъиятсизлик ва чала қадамларни кечирмайди.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос

04.04.2017

Петербургдаги портлашни уюштирган шахс исми очиқланди

11 кишининг ҳаётига зомин бўлган Санкт-Петербург метросидаги портлашни асли қирғизистонлик ва кейинчалик Россия фуқаросини олган Акбаржон Жалилов амалга оширган бўлиши мумкин.

Бу ҳақда Қирғизистон Давлат миллий хавфсизлик кўмитаси маълум қилган.

Душанба куни икки метро бекатидасодир бўлган портлашда камида 45 одам жароҳат олган. Жароҳат олганлар рўйхатида марказий осиелик исмларни ҳам учратиш мумкин.

Қирғиз хавфсизлик хизматининг маълум қилишича, бомбани 1995 йили Ўшда туғилган Акбаржон Акрамжонович Жалилов портлатган бўлиши мумкин.

Олдинроқ Санкт-Петербургдаги "Пятый канал" телеканали метрода портлаш уюштирган дея Акбаржоннинг суратини эълон қилганди.

"Изкуварларнинг фикрича, айнан у 2017 йилнинг 3 апрел куни «Сенная площадь» метро бекатидан «Технологический институт» бекатига йўналган поезд вағонида қўлбола портловчи курилмани ишга туширган. Полицияга кўра, у бундан олдинроқ «Площадь восстания» бекатида қўлбола бомбани қўйиб кетган", - деб ёзилади хабарда.

Расмийлар Акбаржон Жалиловнинг худкушчи бўлгани борасидаги хабарларни тасдиқламаган.

Қирғиз хавфсизлик хизмати суриштирув ишлари учун россиялик ҳамкасблари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганини билдирган.

Санкт-Петербург мэри шаҳарда уч кунлик мотам эълон қилган.

Портлаш вақти Санкт-Петербургда бўлган Президент Владимир Путин кечга яқин портлаш жойига борган ва гул қўйган.

Россия терговчилари

портлашга доир кўп маълумот беришмаган. Портлашларни ҳозирча бирор гуруҳ ўз зиммасига олгани йўқ.

Портлаш ортидан АҚШ Президенти Дональд Трамп Путинга кўнғироқ қилиб ҳамдардлик билдирган. У адолатнинг қарор топиши учун "барча дастакни" беришини айтган.

"Икки президент Трамп ва Путин терроризм қатъият билан ва тезликда баргараф этилиши кераклигини таъкидлаган", - дейилади Оқ уй маъмурияти чиқарган баёнотда.

Германия канцлери Ангеле Меркел портлашни "варварларча ҳаракат" деган.

Ижтимоий тармоқларга тарқалган суратларда пачоқланган вагон ва ерда ётган одам таналари кўринган.

Дастлабки хабарларда ҳар икки «Сенная площадь» ва «Технологический институт» метро бекатларида портлаш бўлганлиги айтилди.

Бироқ кейинчалик Россия Аксил-террор кўмитаси икки станция ўртасида кетаётган поездда, маҳаллий вақт билан соат 14:30 да бир марта портлаш бўлганлигини тасдиқлади.

Портлаш 4 апрелга келиб Санкт-Петербургдаги метро фаолияти қайта йўлга қўйилган.

Шаҳарда ярим миллион атрофида ўзбекистонлик меҳнат қилади. Ўзбекистонлик мигрантларнинг сони кўплиги бўйича Петербург Москвадан сўнг иккинчи ўринда туради.

Сўнгги маротаба Москва шаҳридаги метрода 2010 йили портлаш содир бўлган эди. Ўшанда 45 дақиқалик фарқ билан "Лубянка" ва "Парк культуры" бекатларида портловчи курилма ишга тушган.

Икки портлаш натижасида 41 одам ҳалок бўлган ва 88 киши жароҳатланганди.



Ойдин Солиҳнинг «Ҳақиқий тиббиёт» китоби рус тилида нашр қилинди

Ойдин Солиҳнинг «Ҳақиқий тиббиёт» китоби Бишкек шаҳрида рус тилида нашр қилинди. Китоб «Из-босма» нашриёти томонидан чоп этилди.

Китоб муаллифи Ойдин Солиҳ (1943-2014), биолог олим, юқори малакали доктор сифатида, касалликни даволашнинг унитилган самарали усуллари асосида инсониятга тиббий ва табиий воситалардан фойдаланиш орқали, тўғри ҳаёт тарзи ва юксак руҳий тамойилларга риоя қилган ҳолда, касалликлардан огоҳлантириш, олдини олиш ва уни даволаш усуллари таклиф қилди.

«Ҳақиқий тиббиёт» китоби қисқа вақт ичида бестселлер даражасига эришди, дунёнинг бошқа тилларига таржима қилиниб, қайта-қайта нашр қилинмоқда. Миннатдор ўқувчилар муаллифнинг даволаш илмига қўшган ҳиссасини бир неча минг йиллар аввал яшаб ўтган машҳур Ўрта Шарқ табиби хизматларига тенглаштириб, уни «замонавий дунё Луқмон Ҳакими» деб аташди.

Ҳозирда ушбу китобда баён қилинган метод ва усуллар асосида, минглаб кишилар ўз касалликларига шифо топаётган ва кўнгилли тарзда бошқаларга ҳам касалликлардан қутилиб, жисмоний ва руҳий саломатликка эришишга ёрдам бераётган саломатлик марказлари ташкил қилинмоқда.

Китоб рус тилида илк бор нашр этилди.

Китобни сотиб олиш учун қуйидаги телефон рақамидан маълумот олишингиз мумкин:

+996 556 996 876

E-mail: istvrach@gmail.com

Манба: www.bbc.com/uzbek

Эсингизда бўлса, шу йилнинг 20 январь куни Сурхондарёлик тадбиркор аёл Каромат опа Қодированинг 33 ёшли тадбиркор ўғли Муродилла Омонов туйдан думоғи чоқт қайта туриб Жаркўрғон туман ИИБ жиноят кидирув бўлими ходимлари чангалига тушганди ва 40 дақиқа оралиғида йигитнинг тилкаланган жасади чиққанди.

Ёш тадбиркорнинг 4 гўдаги чирқираб қолганди.

Бунингдек зулумдан фарёд чеккан она шу йилнинг 6 март кунида адолат сўраб мамлакат президенти Шавкат Мирзиёевга видеомурожаат қилишга жазм этганди. <https://youtu.be/VERVwWnX-ЮУ>

Мазкур видеомурожаат эълон қилинган, жигарбандидан айрилган онага нисбатан босимлар кўлами кучайгандан кучайиб кетди. Янаям аниқроғи, Каромат Қодированинг

мамлакат президенти Шавкат Мирзиёевга қилган видеомурожаатидан талвасага тушиб қолган Сурхондарёлик айрим корчолонлар талвасага тушиб қолишди.

Каромат Қодированинг видеомурожаатидан 16 кун ўтиб-ўтмай, яъни, шу йилнинг 22 март куни [youtu.be тармоғида тарқатилган мазкур мағзава фильм \(https://youtu.be/a5Mxzzy2B18\)](https://youtu.be/a5Mxzzy2B18) эфир юзини кўрди.

Юқоридаги “фильм” “ижодкор”лари бу билан нима демоқчи, нимани кўзламоқчи билмадим, бироқ, уни кўздан кечирарканман ўзбек эркакларидеги ҳамият, орият деган нарсалардан асар ҳам қолмаганлигидан, бели боғлиқ эр кишилар шу қадар патскашлашиб, тубанлашиб кетганлигидан надоматлар чекиб қолдим.

Боласининг ортидан “боврим-а”лаб қолишни дўстим-ку, дўстим, душманамга ҳам раво кўрмайман.

Бу ерда гап бир аёлнинг, онанинг ким эканлиги хусусида эмас, бутун бир бошли гулдек йигитнинг, тўрт боланинг отаси бўлган одамнинг 40 дақиқа ичида ИИБ биносидан жасади чиққанлиги ҳақида кетмоқда-ку ахир!



Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА: Мамлакат президенти ўзгариб, ҳукумат бошқаруви ҳам ўзгариб қолди деб ўйласангиз, адашасиз....

Хўп, сиз ишлаган ўша машхур “фильм”ни кўрдим. Каромат қодирова барда, ресторанда, тўйда эмас, ўз сингисининг уйида, кичик бир хонада, тор доиралда рақс тушибди. Тасвирдан кўриниб турибдики, тўлишган опа рақс тушган пайтларида анчагина ёш бўлган.

Инсон ҳаётга келиб ўз уйида ҳам ўйнамасинми, рақс тушмасинми? Рақс тушиш жиноят эканлигини шу пайтгача билмаган эканман. Сиз у - кўнгли бузуқлар, ўйинга тушган аёлга лаънат тамғасини босасиз, фоҳишага чиқарасиз.

Асилда ўзингиз фаҳш батқоғига ботган одамларсиз. Ҳар кунингиз, ҳар туңингиз айшу ишратдан иборат. Ўзингиз бузуқ, кўнглингиз бузуқ.

Яхши, сиз айтганча ҳам бўла қолсин: дейлик, Каромат Қодирова сиз айтгандек енгилтабиат аёл ҳам бўла қолсин! Аммо бу кимларгадир унинг ўғлини ўлдиришга изин берадими? Бу - енгилтак аёлнинг боласини бўғизлайвериш мумкин деганими?

Ким бўлишидан қатъий назар бир онаизорнинг дилбанди кимларнингдир айби билан қайтмас бўлиб тупроқ билан тенг бўлиб кетди, сиз эса уялмасдан онанинг

шахсини муҳокама қиласиз!

Шунчалар мард экансиз, нега ёшгина йигитнинг, 33 ёшли тадбиркорнинг фожиали ўлими сабабларини ахтармайсиз?

Нима, бизнин жамиятда бир инсоннинг, норғул йигит ҳаётининг писта пўчоқчалик кадри йўқмиди?

Яна уялмасдан казозоларнинг долларлари эвазига бовридан айрилиб қолган онаизорга бир мусулмон ўлароқ таъзиянома билдириш ўрнига гўрларига ғиштлар қалайсиз! Шу инсофданми, шу иймонданми?!

Мана, мен, бир оддийгина аёл ўз ёзганларимни ўз номимдан нашр этишга, эълон қилишга кўрқмайман, чўчимайман!

Нега энди сиз эр киши бўла туриб тасвир ортига яширинасиз?! Негаки ўз айтганларингизнинг ҳақ эканлигига ўзингиз ҳам ишонмайсиз! Шунинг учун ҳам сизга сичқон ини минг

танга бўлади!

Ҳақ бўлсангиз, мард бўлсангиз, мана мен, майдонга чиқинг, бўйингизни кўрсатинг, журъатингиз етармикин?!

33 ёшли дилбандида айрилган Каромат Қодировага қилинаётган хуружлар бу – ҳали ҳаммаси эмас!:

Куни кеча Каромат опа истиқомат қилаётган Дехқонобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёрт ака Термиз шаҳрига, вилоят ИИБ бошқармасига чакиртирилди.

ИИБ бошқармасидагилар маҳалла раиси бўлган Баҳодир акага “Юқори ташкилотлардан бештасига маҳалла фаоллари номида “Каромат Қодирова тентак бўлиб қолган” деган мазмунда маълумотнома ёзиб жўнатиб берасиз” дея талаб қилган. Билмадик, энди бу бешта юқори ташкилот вилоят ИИБ ходимлари наздида қай ташкилотлар бўлдийкин?: Президентмикин, бирлари ИИБ вазири, Бирлари МХХ раиси, яна бирлари бош прокуратура, президент девони, бешинчиси қай бир ташкилот экин?: Сенатмикин?

Мазкур эпизодда энг муҳими Дехқонобод маҳалла фуқаролар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

йиғини раиси Баҳодир аканинг қандай жавоб қилганлигида!

Баҳодир ака аксарият маҳалла фуқаролар йиғини раислари каби юқорининг ноқонуний талабига “лабббай” денб жавоб бермади! “Ёшгина ўғлининг совуқ жасадини кучиб қолган онанинг устидан юқори ташкилотларга “Қодирова тентак бўлиб қолган” деб ёзиб юборганимдан кўра ўз хоҳишимга бинонан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб берганим минг марта афзал” дея мардонатор жавоб қайтаришга журъати етди.

Хайриятки, ўзбек эркаклари ҳамиятини, орини, эрлик гурурини Усмон Туропов, Абдуллабой кабиларнинг бир пулига, сариқ чапқасига арзон ва осон сотиб юбормаган экан....

Баҳодир ака эса “Бундай маълумотнома ёзгандан кўра ўз хоҳишимга кўра ишдан кетиш ҳақида ариза ёзганим маъқул” деб жавоб қилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига қилган сафари чоғида давлат раҳбари билан учрашиш, дардини айтиш, адолат қарор топишида кўмак беришини сўраш илинжида бўлган Каромат Қодирова Мирзиёев билан учрашиш илинжида йўлга отланганди. Бироқ йўлда опани ИИБ ходимлари деб аталмиш йўлтўсарлар ушлаб, Термиз туманига қарашли Учкизил

ИИБсига олиб боришди ва икки кун давомида ноқонуний тразда тутқинликда ушлаб ўтиришди. Энг қизиғи, оқибатда, опага нисбатан маъмурий иш очишди, жамоат тартибини бузганликда айбланган опани судлашиб, огоҳлантириш беришди.

Ана энди сизга очиқ ва аччиқ бир ҳақиқатни ҳикоя қилайлик: тадбиркор Каромат Қодирова президент Шавкат Мирзиёевга қилган видеомурожаатида жон аччиғида “Жаркўрғон туман собиқ ҳокими Усмон Туропов, Жаркўрғон туман деҳқон бозори диреткори Абдулла Раҳмонов 10 сотих еримни қўлга киритиш илинжида ўғлимни ўлдиришди” дея икки шахснинг “муборак” номларини тилга олиб ўтган эди.

Мазкур шахслардан бири Абдулла Раҳмонов Жаркўрғон туман деҳқон бозори диреткори. Айтишларича, янги ўзбек бойларидан. Долларларга чўмилган. Ўзгаларнинг номига ҳисобсиз уйлар, хусусий гипир ва мини маркетлар, дўконлар, тўйхона ва ресторанлар очган, беҳисоб уйлар сотиб олган, ҳатто банкларнинг биносини ҳам ўзлаштирган кўли узун “ишбилармон”лардан бири.

Муҳтарам Усмон Туроповга келсак, Жаркўрғонда ҳоким бўлган муҳтарам жанобнинг айнаи дамда “кетмони учган”лардан: улар хозир Сурхондарё вилоят ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари вазифасида даврон

сурмоқдалар.

Энди юқоридаги Каромат Қодировага оид салбий фильмда не сабабдан “тадбиркорлик биноси ХОМ ҒИШТДАН қурилган...” деган иборалар қўлланилганлигига фаҳмингиз етганлигига шубҳамиз йўқ. Негаки, бу фильм буюртмачилари айнан қурилиш соҳаси мутахассиси бўлиши ҳам эҳтиомлдан ҳоли эмас.

Демокчи бўлганимиз: УЯТ! УЯТ сиздек ЭРКАКларга! Ўғлидан, жигарбандидан айрилиб қолган онаизор билан олишишга уялмайдиган ЭРларга УЯТ! Сизларга биттадан лозим қариздолрман мен! Бошқа айтадиган гапим йўқ менинг! Сагқаи гап кетсин сиздақаларга!

Хайфе сезга эркак деган ном!

Агарда зарррача виждонингиз, эрлик ҳамиятингиз қолган бўлса, жазманларингизга буюртмалар бериб Каромат Қодирова устидан президентга, юқори ташкилотларга турли бўҳтон ва тухматдан иборат шикоятлар ёздириб, жўтатишдан тийилинг, оз бзўлса-да уялинг! Худро денг, алоғатга балоғатга етган дилбандингиз куйиғида куйишни Худо кўрсатмасин сизга, асло!

Зеро эртага нима бўлишини Худодан ўзга ҳесч ким билмайди!

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
*Мустақил журналист,
ҳуқуқбон.*

Афғонистондаги вазият издан чиқиб кетади

"Афғонистонда инсоний инқироз юз бериши мумкин..."

Покистоннинг яна катта сондаги афғон қочқинларини ортга қайтариш ҳаракати хозир худди шу каби хавотирларни пайдо қилган.

Т а ф с и л о т л а р и видеомулоқотимизда - назардан қочирманг.

Расмий Исломобод душанба кунидан бошлаб ўзининг навбатдаги янги режаси ижросига киришган.

Афғонистон ҳукуматининг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, қўшниси жорий йилнинг ўзида яна 700 мингга яқин афғон қочқинини ортга қайтариши мумкин.

Покистон Эрон билан бирга, йилларки, энг катта сондаги афғон қочқинлари бошпана топиб келаётган минтақадаги иккита асосий давлатдан биттаси бўлади.

Янги афғон ҳукумати қудратга келганидан 20 йилча вақт ўтиб ҳам, бу икки давлатдаги афғон қочқинларининг сони миллионларга етади.

Сўнгги йилларда ҳам Покистон ва ҳам Афғонистон устма-уст саҳна бўлган қатор қонли ҳужумлар манзарасида, жангарилар муаммоси боис, бу икки қўшни давлат орасидаги алоқаларга янада раҳна етган.

Расмий Исломобод биргина ўтган йилнинг ўзида юз минглаб афғон қочқинларини "мажбуран" ортга қайтарган, бу каби сазй-ҳаракати учун "Хьюман Райтс Вотч" каби нуфузли инсон ҳақларини сақлаш ташкилотининг кескин танқидлари остида ҳам қолиб кетганди.

Устига устак, сўнгги пайтларда қатор Оврўпо давлатлари ҳам минглаб афғон қочқинларини

ортга қайтариш ҳаракатига тушиб қолишган.

Аммо буларнинг барчаси Афғонистондаги хавфсизлик билан боғлиқ вазият жиддий издан чиқиб бораётган бир пайтга тўғри келмоқда.

Қашшоқлик, ишсизлик ва коррупция хануз мамлакат қаршисида турган энг асосий муаммолар сифатида қолаётган бир манзарада кузатилмоқда.

Шундай экан, катта сондаги қочқинларнинг ортга қайтиши ортидан, қўшни Афғонистонда инсоний фожеа юз бериши эҳтимоли қанчалик асосли? - бу ҳафталик "Сўз Сизга" жонли дастуримизнинг мавзуси худди ана шу савол атрофида бўлади. Назардан қочирманг.

Манба: bbc.com/uzbek



АҚШ СУРИЯДА КИМЁВИЙ ҚУРОЛ ҚЎЛЛАНИШИГА ЖАВОБАН АССАД АРМИЯСИГА ХУЖУМ ҚИЛДИ

Жума куни эрта тонгда Қўшма Штатлар биринчи марта Сурия армияси ҳарбий базасига ўнлаб қанотли ракетлар билан ҳужум қилди. Суриянинг Идлиб вилоятида 86 одам ҳаётига зомин бўлган кимёвий қурол қўлланишига жавоб тариқасида ўтказилган мазкур ҳужумни амалга ошириш учун шахсан президент Дональд Трамп буйруқ берди. АҚШ ҳукумати тинч аҳолига нисбатан кимёвий қурол қўлланилишида Сурия президенти Башар Ассадни айбламоқда.

АҚШ Сурияда 6 йилдан бери давом этаётган ватандошлар уруши жараёнида биринчи марта Башар Ассад армиясининг Хомс вилоятидаги Шэйрат шаҳрида жойлашган ҳарбий базасига ҳужум қилди.

Президент Трамп бунга қадар АҚШнинг Яқин Шарқдаги зиддиятларга аралашувига қарши чиқиб келаётган эди. Бироқ 4 апрель куни Идлиб вилояти Хон-Шайхун шаҳрида кимёвий қурол қўлланиши ортидан 86 одамнинг ҳалок бўлгани Трамп нуқтаи назари ўзгаришининг драматик босқичи бўлгани айтилмоқда.

Трамп аввалроқ кимёвий ҳужумда ҳалок бўлган болаларнинг фотосуратлари уни ларзага келтирганини айтган эди.

7 апрель куни Трамп Сурия армияси базасига ҳужум қилиниш сабабларини шарҳлар экан:

Сешанба куни Сурия диктатори Башар Ассад тинч аҳолига нисбатан кимёвий қурол билан даҳшатли ҳужум қилди. Асабларни ишдан чиқарувчи қуролни қўллаб, Ассад ҳимоясиз эркаклар, аёллар ва болаларнинг умрига зомин бўлмоқда. Кўпчилик учун бу жуда секин ва даҳшатли ўлим бўлди.

Ҳаттоки, маъсум болалар ҳам бу варварларча ҳужумнинг қурбонига айланди. Худонинг бирон бандаси бундай ёвуз тарзда азобланмаслиги шарт”, деб билдирди.

Трамп фикрича, Сурия ҳарбий базасига уюштирилган ҳужум Башар Ассадни кимёвий қурол қўллашдан тийилишига босим кўрсатиш воситасидир.

Расмий билдирувда айтилишича, Ўрта Ер денгизидаги АҚШ кемалари Шэйрат базасига 59та қанотли ракета отган. АҚШ расмийлари кимёвий ҳужум айна мана шу базадан туриб уюштирилган, деган ишончдалар.

Пентагоннинг билдиришича, ракеталар учун мўлжал ҳарбий самолётлар, ёнилғи омборлари, қурол сақланувчи жойлар, ракетага қарши мудофаа тизимлари ва радарлар бўлган.

Пентагон Қуролли конфликтларни олиб бориш тўғрисидаги қонунга мувофиқ тинч аҳоли ва базадаги хизматчилар ҳаётига таҳдид туғдирмаслик учун барча чора-тадбирлар кўрилганини ҳам билдирди.

АҚШ расмийлари Россия ҳарбий хизматчилари ҳам мавжуд бўлган бу базага ҳужум қилиниши тўғрисида Кремлни олдиндан огоҳлантириб қўйганларини ҳам маълум қилдилар.

Ҳужумдан олдинроқ Россиянинг БМТдаги элчиси Владимир Сафронов: “Биз салбий жиҳатлар ҳақида ўйлашимиз керак. Ҳужум уюштириладиган бўлса, бутун масъулият бундай шубҳали ва фожеали ҳаракатни уюштирган томон зиммасида бўлади”, деб билдирди.

Сафронов “салбий жиҳатлар” деганда нимани назарда тутганини

изоҳлар экан: “Ироқ ва Ливияга бир назар солинг”, деб айтди.

АҚШ давлат котиби Рекс Тиллерсон Башар Ассаднинг асосий иттифоқчиси бўлган Москва ва Эрон кимёвий ҳужум учун маънавий жиҳатдан маъсул, деб ҳисоблайди.

АҚШ Идлибда кимёвий қурол Башар Ассад армияси томонидан қўлланилганига “шубҳа йўқ”лигини билдирган. Бунинг ортидан АҚШ ҳукуматида кимёвий қурол қўлланилганига қарши жавоб ҳужумини уюштириш масаласи 2 кун муҳокама қилингани айтилмоқда.

“Мен Сурияда бўлган воқеа ҳар бир одамни ғазаблантирадиган жиноят бўлган, бундай жиноят содир этилишига йўл қўймаслик керак эди ва бундан кейин ҳам йўл қўйилмайди, деб ўйлайман”, - деб билдирган Трамп журналистларга.

Сурия ҳарбий базасига қилинган ҳужум Конгрессда Республикачилар томонидан ҳам, Демократлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Ассад ўз ватандошларига қарши даҳшатли жиноятлари учун жазосиз қолмаслигини англаб олиши ўта муҳимдир. Шу нуқтаи назардан бу қадам ўринли бўлди”, - деди Сенатнинг ташқи сиёсат қўмитаси раиси Боб Коркер.

“Ассад инсоният нафратига сабаб бўлувчи бундай жиноятлари учун албатта жавоб беришига ишонч ҳосил қилишини тушунтириб қўйиш тўғри ишдир”, - деди Сенатдаги Демократлар лидери Чак Шумер.

Россия президенти матбуот котиби Дмитрий Песков 7 апрель куни “президент Владимир Путин АҚШ ҳужумини суверен давлатга нисбатан агрессия акти ва халқаро ҳуқуқ меъёрларининг бузилиши” сифатида баҳолагани ҳақида билдирди.

Песков Путин позициясини билдиришда давом этар экан: “Вашингтоннинг бу ҳаракати бусиз ҳам ёмон бўлган Россия-Америка муносабатларига берилган сезиларли зарба бўлди”, деб айтди.

Кремлнинг билдиришича, АҚШнинг Сурия ҳарбий базасига ҳужуми “террорчиликка қарши кураш учун халқаро коалицияни ташкил этишда жиддий тўсиқларни пайдо қилади”.

Сурия президенти Башар Ассад режими иттифоқчиси бўлган Эрон ҳам Вашингтонга ўз норозилигини билдирди.

“Эрон...кимёвий қурол қўлланилганини қоралайди... айна пайтда бу воқеани сабаб қилиб олиб бир томонлама ҳаракат қилиш хавфи ҳамда халқаро қонунларнинг бузилиши деб ҳисоблайди”, дейилади Эрон Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда.

4 апрелга ўтар кечаси Фарғона вилояти Бувайда туманидаги дехқон бозорида чиққан ёнғин юздан ортиқ тадбиркорни хонавайрон қилди. Воқеа гувоҳларининг айтишича, ёнғин оқибатида бозордаги кийим-кечак ва хўжалик моллари билан савдо қиладиган дўконлар ёниб кул бўлган. Терговга яқин мулозимга кўра, ёнғиннинг хавфсизлик қоидаларига риоя этилмагани оқибатида рўй бергани тахмин қилинмоқда.

Дехқон бозоридаги ёнғин оқибатида бор-йўқ товари куйиб кетган бувайдалик тадбиркор Озодлик билан суҳбатда ўзининг касод бўлганини айтади.

“Эрталаб бозорга келсам, ҳамма жой ёниб кул бўлган. Дўконимдан фақат темир-терсак қолибди. 200 миллионлик товарим куйиб кул бўлган. Кредитга пул олиб ишлаётгандим, энди нима қиламан, хонавайрон бўлдим”, дейди тадбиркор.

Суҳбатдош Озодликка юборган ёнган дўконлар фотосуратлари ҳам, Бувайда бозоридаги ёнғиндан фақат темир устун ва панжаралар омон қолганини тасдиқлайди.

Бувайда тумани ҳокимлигининг Озодлик боғланган мулозими ёнғин оқибатида етказилган зарар ўрганилаётганини билдирди.

“4 апрелга ўтар кечаси соат 00.30 да дехқон бозорининг кийим-кечак раста ва дўконлари жойлашган ҳудудида ёнғин содир бўлган. Ўт ўчирувчиларнинг биринчи тахминига кўра, олов электр симларининг қисқа туташуви натижасида чиққан ва жуда ҳам тезлик билан бошқа дўконларга ҳам ёйилган. Умумий майдони 200 квадрат метр майдондаги дўконлар ёниб кетган. Афсуски, ҳамма дўконлар ёниб кетган. Аини пайтда, дўкондорларга ва бозорга қанча зарар етгани ўрганилмоқда”, деди



Дехқон бозорида чиққан ёнғин юздан ортиқ тадбиркорни хонавайрон қилди

ҳокимлик мулозими.

Мулозим, ёнғин тунда юз бергани боис одамлар жабрланмаганини кўшимча қилди.

Бувайда бозорида савдо қилувчи бошқа бир тадбиркор, ёнғин электр симларидан чиққанига ишонмаслигини айтар экан, бозорга қасдан ўт қўйилганлигини иддао қилди.

“Агар ёнғин бир жойдан чиққанда, бир томондан ёниб борарди. Бу ерда эса одамлар тўрт томондан ўт чиққанини кўрганини айтишяпти. Битта ҳам дўкон омон қолмаган, ҳаммаси ёниб кетган. Кийим-кечак бозорини бу ердан ярмаркага кўчириш ҳақида бозорқўм аввал бир неча марта айтган эди. Лекин биз рози бўлмаганмиз. Чунки ярмаркада жой жуда тор ва бозор яхши бўлмайди. Биз ёнган дўконларимизни суратга олаётганимизда, милиция ходимлари келиб телефонларимизни олиб қўйишди ва суратларни ўчириб, қайтариб беришди. Савдогарлар

дардини кимга айтишни билмаяпти”, деди тадбиркор.

Аини пайтда, Озодлик ихтиёрида бозорга ўт қўйилган деган иддаони қўлловчи далиллар мавжуд эмас.

Айтилишича, ёнғин юзасидан Бувайда туман Ички ишлар бўлими жинорий иш очган ва тергов-текширув олиб бормоқда.

Ёнғин оқибатида қатта молиявий зиён кўрган тадбиркорларга бирор ёрдам кўрсатилиш-кўрсатилмаслиги ҳозирча маълум эмас.

Жабрланувчилардан бирига кўра, 4 апрель куни эрталабки соат 8 ларга яқин туман ҳокими бозорга келиб, ёнғиндан кейинги вазият билан танишган.

“Жуда кўп одам жабр кўрди. Қўқондан насияга мол олиб келиб сотадиган аёл савдогарларнинг ҳам бор моли ёниб кетган. Шунча кулфат бўлдию, ҳоким келиб бир оғиз қўнглимизни кўтармади. Ҳеч бўлмаса, сизларга янги жой қилиб берамиз, савдоларингни давом эттирасизлар, демади. Эртага соат 8 да ҳокимликда бу масалани муҳокама қиламиз ва жавобини айтамиз дедию, кетди”, деди Озодлик суҳбатлашган дўконсиз қолган тадбиркорлардан бири.

Озодликка куннинг иккинчи ярмида етиб келган суратлардан, кечга яқин ёнғин юз берган жойдаги чикиндиларнинг тозалаб олинганини кўриш мумкин.

Сиз ҳам Бувайда бозоридаги ёнғиндан талофат кўрганлардан бўлсангиз, бу воқеага оид тафсилотларни Озодликка йўллашингиз мумкин.

Манба: “Озодлик” радиоси



Жамол Камол,
Ўзбекистон халқ шоири

ФИКРСИЗЛИК ФОЖЕАСИ

Ақл – Аллоҳнинг ер юзидаги тарозусидир. Аввал ақл, кейин дин, дейилади ҳадисларда. Яъни, ақли йўқнинг дини йўқ. Мавлоно Жалололдин Румий демишларки:

Ақл юз очса жаҳон кўзгусида,
Тийра тортгай кун унинг ўтрусиди...

Ақл ҳаракатидан фикр майдонга келади, фикр ҳаракатидан – фаолият, фаолият эса инсонни раванқ-ривож, тараққиётга етаклайди. Демак, тараққиёт бўлмаган жойда ақл карахт, фикр суст, фаолият заифдир.

Яна бир нуктани алоҳида таъкидлаш лозим. Яратган Тангри бор ақлий салоҳиятни бир кишига жамлаб, хатлаб бермаган, халқ, миллат устига сочиб ташлаган. Ҳар кимга бир улуш теккан. Ана шу улушлар жамланиб, миллатнинг ақлий бойлиги, зеҳний потенциални ташкил этади. Бир шахс қанчалар даҳо бўлмасин, унинг ақлий қуввати миллатнинг ақлий қудрати ўрнини босолмайди. Кўпчилик – дарё деб бекорга айтишмаган, ахир. Дунёда тараққий этган мамлакат борки, унинг сиёсий элитаси фақат ва фақат ўз халқининг ақлий қувватларини ишга солиб, шу жараёнда бошқалардан ҳам ўрганиб, бир натижага эришган. Бунинг тескарисини қилганлар алал-оқибат тешик тоғора билан қолгани ўз тажрибамиздан маълум.

Мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ўз илмий-иқтисодий потенциали кўлами билан Марказий Осиёда етакчи ўринда эди. Хўш, нима бўлди? Қаёққа кетди ўша имкониятлар?

Сир эмас, яширишнинг ҳожати йўқ, сўнги йигирма беш йил давомида Республикамиз фақат бир кишининг ақли билан яшади. Шу давр мобайнида бир кимсанинг мажлисда ўрнидан туриб ёки минбарга чиқиб, менда таклиф бор, агар қабул қилинса, халқимиз давлатимиз учун яна-да яхшироқ бўлади, деганини ҳеч эшитмадик. Бу кўз кўриб, кулоқ эшитмаган гап бўларди. Чунки фикр айтиш, таклиф киритиш, ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи бир кишининг монополияси бўлиб, бошқалар бунга даҳл этолмас, уларга гулдурос қарсақлар чалиш ҳуқуқи берилган эди, холос.

Натيجани кўриб турибсиз.

ФИКРСИЗЛИК ФОЖЕАСИ

Миллий пулимиз жорий этилганда бир доллар олти сўмга баробар эди. Энди-чи? Қора бозор курсида етти минг сўмдан ошди! Ана шу биргина кўрсаткичнинг ўзиёқ йигирма беш йил йўл босиб, қайси маррага етиб келганимизни аниқ кўрсатиб турибди. Изоҳга ҳожат йўқ.

Янги Президентимиз жон куйдириб, ақлни ишга солинг, фикр юритинг, таклиф киритинг, ташаббус кўрсатинг, деб қанчалар даъват этмасин, амалдорларимиз шок ҳолатида: бошини эгиб олиб, нуқул бир нималарни дафтарига ёзгани - ёзган. На юзини кўрасиз уларнинг, на кўзини... Сабабки, уларда фикр йўқ. Улар фикрлашга эмас, буйруқни бажаришга ўрганган. Бунинг устига кўрқув бор: мабодо фикр билдирсам ёки савол берсам, каттаконга ёкмай қолса-чи? Унда нима қиламан?..

Мен уларни айбламоқчи эмасман, улар шундай шаклланган, шундай тарбия топган. Энди ўша эски қобикдан чиқиш қийин бўлаяпти.

Хўш, нима қилиш керак?

Шу ҳақда ўйлаб, бунинг жавобини топгандек бўлдим. Менимча, биринчи галда, катта амалдорларнинг кичик амалдорлар устидан босимини камайтириш керак. Токи катта амалдор ўзини хон, кўланкасини майдон деб билмасин. Кичик амалдорни одам ўрнида кўрсин. “Сен ким бўпсанки, таклиф киртасан? Мен турганда фикр айтишани ким кўйибти сенга?” – демасин. Бу – кечаги гап, кечаги сиёсат. Бундан воз кечиш даркор. Ҳар кичик одамда ҳам бир қимматли фикр бўлиши мумкин. Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур...

Иккинчи навбатда, халққа ибрат кўрсатиш лозим. Хорижларда ўкиб, таълим олган, фақат буйруқни бажариб, фикрлашдан маҳрум қолган бюрократия иллатларидан йироқ ёш кадрларни давлат бошқарувига, сиёсатга кўпроқ тортиш, улар ёрдамида эркин танқид, фикрлар кураши, дўстона баҳсу мунозара муҳитини яратиш даркор. Токи матбуот, радио, телевидение тафаккур майдонига айлансин. Шунда ҳозирги вазиятда бироз гарангсиз қолган амалдорларни ҳам ҳаракатга келтириш мумкин бўлади.

Миллатнинг фикрлашдан

маҳрум бўлиши – фожиа, маҳрум этилиши – гуноҳи азим. Ана шу маҳрумият орқасида мустақиллик йилларида юртимизда битта ҳам атоқли олим, битта ҳам машҳур санъаткор, битта ҳам забардаст уламо етишиб чиқмади. (Забардаст уламо деганда мен камида рус патриархи Кириллнинг панжасига панжа урадиган сиймони назарда тутаман). Етишиб чиққанлари ўрта-миёна ёки ўрта-миёнадан ҳам паст.

Ўтган асрнинг етмишинчи, саксонинчи йилларини эсланг. Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиков, Тошмухаммад Саримсоқов, Муҳаммад Ўразбоев, Пўлат Ҳабибуллаев, Саъдиҳон Сирождинов, Ёлқин Тўрақулов, Ражаб Исломбеков, Шавкат Воҳидов, Иброҳим Мўминов, Иззат Султон, Юнус Ражабий каби ўнлаб академик, жаҳонга машҳур олиму алломалар. Уларни бир сафга тизсанг, чўкқилари бир-бирига тутшиб кетган улкан тоғ силсиласига ўхшайди... Санъат майдонида: Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Мукаррама Турғунбоева, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Мухтор Ашрафий, Аббос Бакиров, Мутал Бурхонов, Сулаймон Юдаков, Наби Раҳимов, Ботир Зокиров каби ўнлаб буюк санъаткорлар.... Мустақиллик йилларида уларга издош бўлгудек ким етишди? Дилнура Қодиржонова чиққан эди, умри қисқа экан, куйдирди-кетди. Бугунги ёш ўзбек хонандалари айтаётган “модерн” қўшиқларни эшитиб, астағфируллоҳ деб ёқангизни ушлайсиз. Ашула йўқ, ҳамма ёқни хиргойи босиб кетди... Буларнинг ҳаммаси фикрсизлик оқибати, фикрсизлик эса савиянинг пастлашиб кетишига сабаб бўлади.

Бир муҳбир парламентда масъул бир вазифани эгаллаб турган юрист, ҳуқуқшунос хонимдан, нега йигирма беш йил давомида милиция ҳақида қонун қабул қилинмади, деб сўраганида, у ҳеч ўйламай-нетмай, жамиятда бунга эҳтиёж йўқ эди, деб жавоб берди. Жамият йигирма беш йил эмас, бир кун ҳам қонунсиз яшай олмаслиги, қонунсиз яшайдиган бўлса, зулмга, адолатсизликка йўл очилиши унинг хаёлига ҳам келмади. Мана, сизга савия!

Тошкент ислом университетига тил байрами муносабати билан ўтказилган йиғинда талабалардан сўрадим:

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Болаларим, сизда ўзбек тили, адабиёти ўқитиладими?”,

“Йўқ” деб жавоб беришди талабалар.

“Навоий ўқитиладими?”

“Йўқ”

“Хўжа Аҳмад Яссавий, Машраб, Сўфи Оллоёр ўқитиладими?”

“Йўқ”

Ректорга юзландим:

“Домла, булар эртага диний тарғиботчилар бўлиб етишади. Ўзбек тили, адабиётини пухта эгалламасдан, бу вазифани қандай адо этишади?”

“Бунга соат ажратилмаган” – деди ректор.

“Тепага чиқиб, соат талаб қилмайсизми?”

Саволим жавобсиз қолди. Мана, сизга савия!

Маълумки, Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси мамлакатимиз учун раҳбар кадрлар тайёрлайди. Йигирма беш йил давомида ўқув юртингизда таълим олганлар орасидан бирорта таниқли, етук раҳбар етишиб чиқдим, деган саволимга шу даргоҳда ишлаётган профессор аниқ тайин жавоб беролмади. Мана, сизга савия!

Бултур Би-Би-Си хабар тарқатди. 2015- йилда ўзбекистонлик беш юз йигит-қиз интернет орқали имтиҳон топшириб, Америка Қўшма Штатлари университетларига ўқишга кирибди... “Қандинги ур, Ўзбекистон!” деб беихтиёр чапак чалиб юбордим... Аммо навбатдаги хабар мени ўйлантириб қўйди. Қозоғистон давлати ҳисобидан Америка олийгоҳларида таълим олаётган талабалар сони беш мингдан ортиқ экан... Қиёслаб қаранг, беш юз қайдаю, беш минг қайда! Мана, бизнинг савия!

Яна шундай ўнлаб мисоллар келтиришим мумкин. Аммо, шу ерда гапни қисқа қилиб бир хурсандчилигимни айтмоқчиман. Янги президентимиз Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган яхши тадбирлар эртанги кунимизга катта умид уйғотди. Бирданига ўнга илмий-тадқиқот институтининг тикланиши силласи қуриб бораётган Ўзбекистон фанлар академиясига янги ҳаёт бағишлади. Бу чинданам бағоят хайрли, дадил қадам!

Мавлоно Румий яна демишларки:

Қирқни этган бирни ҳам айлар адо,

Жонни ул қирқ бирга этгаймиз фидо...

Айтмоқчиманки, ўша ўнга сафбаста қилиб, ўн биринчи, Фалсафа илмий-тадқиқот институтини ҳам тиклаш керак. Нега? Ер юзида фалсафа илмининг иккита асл ватани бор. Бири Юнонистон бўлса, бири ўзимизнинг Туронзамин. Фалсафанинг устози аввали, биринчи муаллим Аристотель Юнонистонда яшаган бўлса, устози соний, иккинчи муаллим Абу Наср Форобий бизда етишган. Уларнинг анъаналарини давом эттириш, ислом фалсафаси бўлмиш тасаввуф таълимотини янги шароитларда кенг ва теран тадқиқ этиш – фанимиз учун шарафли вазифа.

Эсимда бор, мустақилликнинг дастлабки йилларида халқаро экспертлар Ўзбекистон яқин ўн-ўнбеш йил ичида иқтисодий ривожланиш йўлида Марказий Осиёнинг йўлбарсига айланади, деб башорат этишган эди. Орадан йигирма беш йил кечди. Бошқалар йўлбарс бўлди. Биз нима бўлдик, билмадим, ҳар ҳолда йўлбарс бўлолмадик. Худбинлик, амалпарастлик йўлимизга тўғаноқ бўлди. Фикрсизлик, миллатнинг ақлий салоҳиятига суянмаслик, фақат мен билимдон, бошқалар авом деган ақида оёқдан чалди. Бунинг оқибатида халқ фикрлашдан тўхтади, фикрламай қўйди...

Энди ана шу иллатдан қутулмоғимиз даркор. Иншаоллох, қутуламиз! Ноумид шайтон. Кеча йўлбарс бўлолмаган Ўзбекистон эртага арслонга айланса, не ажаб! Бунга Президентимиз томонидан қабул қилинаётган умидбахш қарорлар, амалга оширилаётган тадбирлар гаровдир. Яқинда халқаро миқёсда обрў-эътиборга молик машҳур иқтисодчи йигит Рауф Салоҳхўжаевга Тошкент марказидан данғиллама уй тортиқ этилгани ҳаммамизни қувонтирди. Энди у ватанга хизмат қилади, хорижга кетмайди. Бу каби олтин бошлар изласа, хорижларда ва мамлакатимизда яна топилади. Улардан айримларининг ишсиз қолиб, хорижларга чиқиб ишлашга мажбур бўлаётганидан хабарим бор. Тасаввур қилинг, ҳар йили Москва, Токио, Сеул, Париж университетларига бориб, талабаларга жаҳон фалсафаси ва сиёсатшунослиги фанидан рус ва инглиз тилларида маърузалар ўқиш учун қанчалар билим, тажриба, донишмандлик

керак. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ана шу фазилатлар эгаси – профессор Саидмухтор Саидқосимов. Биринчи Президентнинг давлат маслаҳатчиси, Ташқи ишлар вазири, Халқаро дипломатия университети ректори, Республика бош вазири ўринбосари лавозимларида ишлаган йирик давлат мулозими тўсатдан марҳаматсизликка учраб, ишсиз қолдирилди. Бунинг хайрон қоладиган ери йўқ. Негаки, халқ орасида обрў-эътибор қозонган, истеъдодли инсонларни турли йўллар билан камситиш кечаги сиёсатнинг бир кўриниши эди. Хуллас, Саидмухтор Саидқосимов неча йилдирким, қимматбаҳо билими ва тажрибасини хорижий университетларга сарфляпти. Ою йиллар ўтаяпти, вақт ғанимат, шундай инсонлардан фойдаланиб қолиш керак. Уларни давлат ва жамият ишларига жалб этиб, масъулият юклаб, кадр қиймати ўрнига қўйилса, айна муддао бўлур эди.

Худога шукурки, халқимиз орасида зеҳни уйғоқ, қалби қайноқ инсонлар оз эмас. Улар баҳор нафаси туфайли тупроқ остидан гуркираб бош кўтарган майса-гиёҳлар каби кун сайин кўпайиб, янги-янги таклифлар, лойиҳалар билан майдонган чиқишапти.

“Биз Роғун ГЭСи сувларини янги ўзандан Ўзбекистонга оқизиш лойиҳасини таниқли ирригатор олим Дилшод Бозоров билан ҳамкорликда ишлаб чиқдик, – дейди Халқаро экология хавфсизлиги фанлар академияси аъзоси Анвармирзо Ҳусайнов, – бу икки томон учун ҳам фойдали ечим. Тожикистон ҳукумати Роғун ГЭСидан чиқадиган энергетик оқава сувларни қаёққа оқизиш ташвишидан қутулади. Амалда бу Ўзбекистоннинг Роғун лойиҳасига инвестицияси дейиш мумкин. Бундан Ўзбекистон ҳам катта манфаат кўради, ҳар йили кўшимча тўрт миллиард куб метр сувга эга бўлади. Амударё суви Ўзбекистонга янги ўзандан оқизилиб, эскириб қолган Аму– Қарши насос станциялари хизматида деярли эҳтиёж қолмайди. Қўшни Тожикистон билан сув масаласида неча йиллардан буён давом этиб келаётган баҳсу мунозарага нуқта қўйилади.”

Бундай лойиҳалар Анвармирзо Ҳусайнов бисотида анча-мунча. У бамисоли ғоялар генератори, бошида ҳар кун янги бир режа,

таклиф, лойиҳа туғилади десам, ишонинг. Фақат уларни пайсалга солмай, ўз вақтида эшитиш, ўрганиш, амалиётга тадбиқ этиш даркор.

Ақл ва адаб якка бир шахс тақдирида бирлашиб, инсоний

маърифатни юзага чиқаради. Илм ва адолат жамият тақдирида бирлашиб, ижтимоий маърифатни майдонга келтиради. Маърифат қанот ёзган юртда фикрсизлик йўқолиб, фикрий фаоллик кучаяди. Ва табиийки, тараққиётга йўл

очилади.

Илоҳо, шундоқ бўлсин, Ўзбекистонимизга ҳар жабҳада тараққиёт насиб этсин! Омийн, ё Раббул олабийн!..

24.03.2017



Ҳукумат ўз фуқароларини Европа давлатларида ҳам тинч қўймапти

Amnesty International (Амнести Интернейшнл) инсон ҳақлари ташкилотига кўра, Ўзбекистон ҳукумати ўз фуқароларини ҳатто Европа давлатларида ҳам тинч қўймапти. Янги ҳисоботда айтилишича, ҳукумат муҳожирликдаги ўзбекистонликларни кўркув ва ноаниқлик фазосида тутиб турмоқда.

"Биз сизни қаерда бўлсангиз ҳам топамиз", деб номланган ҳисоботда жосусларнинг муҳожиротда яшаётган етти нафар ўзбекистонлик ҳаётига таъсири ҳақида сўз боради.

Швецияда яшаётган ўзбекистонлик журналист ўз ҳаёти ва ватанда қолган оиласи билан ёзишмалари қандай қилиб жосуслар томонидан кузатилиши ҳақида ҳикоя қилади. Амнестига кўра, яна бир журналист Францияга Ўзбекистонни айнан хавфсизлик хизмати таъқибидан кейин тарк этган.

АИ ташкилотининг Технология ва Инсон ҳуқуқлари бўлими тадқиқотчиси Жошуа Франкога кўра, "ҳисобот Европадаги ўзбекистонликлар оммавий тарзда жосусликдан қандай азият чекаётгани" ҳақида ҳикоя қилади.

"Ўзбекистон ичкарасидаги журналистлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва сиёсий фаоллар учун ҳукумат мулозимлари шубҳа-

гумонларга тўла бир фазони яратишган..."

Жошуа Франконинг ишонишича, ҳатто мамлакат ташқарисида ҳам жосуслик хавфининг таъсирлари аниқ сезилади.

"Кўркув оилалар ўртасида жарлик яратмоқда. Қочқинлар ўз оилалари билан суҳбатлашишдан чўчишади, чунки жосуслик хизматларига ўзаро мулоқотлар маълум бўлиши мумкин".

Айни ҳисоботда Дилшод (исми ўзгартирилган) исмли қочқин Ўзбекистондаги оиласи билан алоқа қилолмаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Дилшоднинг айтишича, у ўз оила аъзолари билан телефонда сўзлашганидан кейин уйларига милиция ходимлари келишган.

Amnesty International ҳисоботида Дилшод ўзининг ўлим тўшагида бўлган холаси билан суҳбатлашгани ва шундан кейин бу аёлнинг уйига милиция келганини айтади.

"Агар оила аъзоларимизга, дўсларимизга телефон қилсак, улар ҳамма нарсани эшитишади. Биз (Швециядагилар) бундан озор чекмаймиз, аммо телефонда сўзлашсак, бизнинг яқинларимиз жабр кўришади", дейди Дилшод.

Журналистлар ва Ўзбекистон ҳукумати

Ўзбекистон ҳукуматининг мустақил журналистларга нисбатан

муносабати ҳеч қачон адолатли ва ё дўстона бўлмаган.

Ўтган йигирма беш йил ичида ҳукуматни танқид қилган ҳар қандай журналист турли таъқиб ва тазйиқларга дуч келган.

2014 йилда Берлинда яшаётган ўзбекистонлик журналист Галима Бухарбоевининг электрон почтаси бузилган.

Унинг электрон мактублари интернетга сиздирилганидан кейин, Галима билан ҳамкорлик қилган маҳаллий журналистлар ҳаёти хавф остида қолган.

Бу каби хавф остида қолган журналистлардан бири Гуласал

Камолова бир неча таҳдидлардан кейин Ўзбекистонни тарк этишга мажбур бўлган.

У Францияда 11 ойдан бери яшайди ва бу муддат орасида бирор марта Ўзбекистондаги оиласи билан алоқа қилмаган. Ўзбекистондан қочар экан, хавфсизлик хизмати ходимларидан бири унга "қаерда бўлма, биз барибир сени топиб оламиз", деб таҳдид қилган.

Гуласал Камолова Amnesty International билан суҳбатда, "менинг кўрқадиган жойим йўқ. Йўқотадиган нарсам -иш, иш эса бу ерда. Бу менинг таҳдидлар ва тазйиқларга зўр берадиган хавфсизлик хизматида жавобим. Мен бундан кўркмайман. Биламан, жосуслар бу ерда ҳам бор, ўзимни хавфсиз ҳис қилмайман. Аммо кўркмайман", дейди.

Амнести ҳисоботида яна бир ўзбекистонлик журналист Дмитрий Тихоновнинг ҳикояси келтирилади.

Кузатувчиларга кўра, Ўзбекистоннинг марҳум президенти Ислон Каримов ўз даврида бутун мамлакатда кўркув фазосини шакллантирган.

Ўзбекистон ҳукумати, хавфсизлик хизмати ва Ички Ишлар вазирлиги "тинчликни сақлаш" баҳонасида мустақил ва муҳолиф фикрдагиларга қарши курашган.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Самвел Бабаян Ўзбекистон терма жамоасига келгандан бери вертикал футбол тарафдори эканлигини таъкидлаб келяпти. Сурия ва Қатарга қарши шу йилнинг март ойида ўтказилган учрашувларда “вертикал футбол” деганда Бабаян нимани назарда тутганини фахмлагандай бўлдим. Менимча, у тўпни осмонга тепишни назарда тутган бўлса керак.

Чунки иккала учрашувда ҳам унинг шогирдлари, айниқса, ҳимоячилари ҳар бир ўйинда тўпни 6-7 марталаб осмонга тепиб, бу борада ўзаро мусобақалашаётгандай кўринишди. Егор Кримец, Анзур Исмоиловлар тўпни ўз жарима майдонидан узоклатиш учун шундай қилишган бўлса, Одил Аҳмедов ва Сервер Жепаровлар шерикларига пас бериш ёки дарвозага зарба бериш ниятда шундай қилишди.

Арсен Венгернинг халқаро мураббийлик тажрибаси Япониядан бошланганини кўпчилик билади. Шу мутахассис кунчиқар юртга келганида япон футболчиларининг тўпни осмонга тепишларини ва бунга мухлисларнинг ўта қувонишларини кўриб ҳайрон қолган. Чунки замонавий футболда “майдонда шам ёқиш” (“зажечь свечу на поле”) деб айтиладиган бу иш болалар футболга тегишли иллат эканлигини франциялик мутахассис яхши билган.

Лекин Венгер узок вақтгача маҳаллий футболчиларни бу ишдан тўхтата олмай ҳалак бўлган. Чунки тўпни осмонга тепиш қадимий япон ўйинининг энг кульминацион нуқтасидан бири бўлиб, у мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлган. Шу сабабдан 90-йилларнинг бошларида Японияда ишлаган европалик бошқа мураббийлар ҳам бу ҳолатга кўп дучор бўлишган ва бу иллатга барҳам беришда машаққат чекишган.

Ўзбекистон тарихида шунга ўхшаш бир ўйин бўлмаган бўлса ҳам, негидир миллий терма жамоа ўйинчилари “шам ёқиш” каби иллатга берилиб, футбол мутахассислари ва журналистларининг кулгиларига сабаб бўлишмоқда.

Албатта, аслида вертикал футбол дегани ён тарафларга ошириладиган пасларнинг сонини максимал тарзда камайтиришни ва фақат олдинга узатиладиган паслар сонини оширишни назарда тутати. Яъни олдинги чизик



Вертикал футбол - тўпни осмонга тепиш деганими?

футболчилари “очилгунга” қадар тўп асосан орқага ошириб турилиб, ярим ҳимоячи ва ҳужумчилар бўш зоналарга киришлари билан тўп олдинги чизикка оширилади. Голланд футбол мактаби кашфиёти ҳисобланмиш бу усул асосан рақиб ҳимоя чизигини доим босимда ушлаб туриш, ҳужум кескинлигини ошириш ва, қолаверса, рақиб қарши ҳужумларига имкон қолдирмаслик учун қўлланилади.

Лекин бу усулнинг минус тарафлари ҳам бор. Масалан, кўпинча ҳимоячилар тўпни тўғри ҳужумчиларга ошириши натижасида ярим ҳимоячилар ишсиз қолиб кетадилар. Бундан ташқари, мана шу тактикада қўлланиладиган узун паслар кўпинча эгасига етиб бормади ёки, етиб борса, ҳам рақибга бой берилади.

Қатарга қарши 28 март куни ўтказилган ўйинда ҳам ҳимоячиларимиз тўпни ярим ҳимоячиларнинг устидан ошириб, тўғри Игорь Сергеевга узатганларига, Сергеев эса тўпни эгаллай олганига ва, эгаллай олганда ҳам, тўпни кўп бора йўқотиб қўйганига гувоҳ бўлдик.

Бу усулнинг яна бир камчилиги шунда-ки, олдинги чизикда ҳужумчи тўпни эгаллаб олган пайтда қанотлардаги шериклари одатда ҳали ҳужумчи кирган зонадан орқада қолишган бўлади. Шунинг учун ҳужум персонал жиҳатдан қўллаб-қувватланмай қолади. Яъни ҳужумчилар

ёлғизланиб қолишларининг ва рақиб дарвозасига бериладиган зарбалар камайишининг эҳтимоли юқори.

Бунга яққол мисол сифатида Қатарга қарши ўтказилган кечаги учрашувни ҳам келтирса бўлади. Ушбу учрашувда термамиз 90 дақиқа давомида рақиб дарозасига атиги ИККИ (!!!) марта аниқ зарба берди. Иккала зарбани ҳам Одил Аҳмедов берди: унинг биринчи зарбаси жаримадан йўлланиб, голга айланди, иккинчиси эса қанотдан йўлланди ва қатарлик дарвозабон томонидан майдон ташқарисига чиқариб юборилди.

Миржалол Қосимов пайтида ҳужумлар асосан қанотлар орқали амалга оширилар ва ҳавфли вазиятлар асосан қанотдан узатиладиган кўндаланг паслар эвазига яратилар эди. Бу ҳужумларни ташкил қилишда ярим ҳимоячиларнинг роли катта эди. Бундай ҳужумларни ривожлантириш ва қўллашда қанотлардаги ҳимоячилар ҳам фаол иштирок этишар эди.

Ҳа, ўша пайтдаги ҳужумларимиз бир хил ва сийқаси чиққан эди. Лекин, энди ўйлаб қарасам, ўша сийқаси чиққан усул ҳам рақибларни доим югуришга ва чарчашга мажбур қилиб, уларни хато қилишга мажбур қилар эди. Энг муҳими, шу пайтда ҳимоя чизиги ҳам пала-партишсиз ўйнаган экан.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ҳозир-чи?! Ҳозир химоя чизигида “шам ёқиш”лар, жазавага тушишлар ва довдирашлар! Хужумнинг эса ўзи йўқ! Фақат тасодифий стандартлар, тасодифий голлар ва тасодифий ғалабалар бор. Рақиб химоячилари бизнинг химоядан келган узун пасларни жойида туриб, югурмасдан иккинчи қавадга “еб” кўйишяпти. Бабаяннинг бу тактикасига қарши учта бўйдор химоячинг бўлса бўлди – ҳаммаси “окей” бўлишини рақибларимиз билиб бўлган. Шу

жумладан, Эрон ҳам.

Шунинг учун Техронда бўладиган ўйинда бошқа услубда ўйнамасак, мағлуб бўлишимиз аниқ. Устига устак, бу ўйинда форслар ўлигини ташлаб бўлса ҳам, ютишга, мундиал йўлланмасини муддатидан аввал ҳал қилишга ва 100 минг кишилик стадионда байрам уюштиришга ҳаракат қилишади.

Агар шу учрашувда Эрон ғалаба қозонгудек бўлса, кейинги учрашувда корейсларнинг илтимосларига биноан меҳмонда Кореяга ютқазиб бериши ҳам

мумкин. Ўзбеклар корейсларга етиб олмаслиги учун.

Бабаян ва унинг вертикал футболни осмонга тешиш билан, бир ўйинда рақиб дарвозасига атиги 1-2 аниқ зарба йўллаш билан Эронни Техронда ютишга мен ишонмайман.

Вақт борида Бабаян ўз тактикасини ўзгартириши керак!

Ёки ўзгартира олмаса, термадан кетиши керак!

Ёки кетказилиши керак!

Бобомурод АБДУЛЛА
29.03.2017

Манба: facebook.com

ҚАЧОН УЙҒОНАМИЗ

Туркия киноижодкорлари томонидан ишланган "қашқирлар макони" сериалидаги энг ифлос образ Тестери Нежми. Ўзимча, унинг шафқатсиз, ифлос бўлишига сабабни кўриб чиқмоқчи бўламан.

Тестери ёшлигида меҳнаткаш бўлади, ўзи ва онасини боқиш учун дурадгор устага шогирд тушади. Иттифоқо, бир куни уйига тасодифан келиб, устаси онаси билан бузуклик қилаётганига гувоҳ бўлади ва бу ифлосгарчиликка кўз юма олмай, ўзига устоз бўлган, тирикчилиги учун пул тўлаётган ифлос устани ўлдирди. Шу жинояти учун қамалади ва унинг берахм, шавқатсиз, жиноий ҳаёти мана шу нуктадан бошланади. Яъни, онасини бузукликка бошлаганини ўлдиради, тамом.

Энди шу ҳолатни ўзбек сериалида тасаввур қилиб кўраман.

Ўзбекларни "шайтанат" сериалидаги Кесакполвон худди шу ҳолатни устидан чиқиб қолганида нима қилган бўларди?

Тахмин қиламан, у худди бу воқеани кўрмагандек ўзини тутарди, уста ҳам унга олдингидан кўпроқ пул тўлар ва онаси билан бузукликни давом эттирган, Кесакполвон эса, устани "отайўллик устам" деб, устаси билан фахрланиб, ҳеч бўлмаса оёққа туриб, ўзини кўлидан иш келгунича сабр қилган бўлар эди, тамом.

Бугун аҳолиси тахминан йигирма минг киши бўлган кичик бир шаҳарчининг бир хонадониди

меҳмон бўлдим. Шом намозини ўша хонадонда ўқидим, намоз ўқиб турганимда уй эгасининг ўғли онасидан "опа, анави бобо нима қиляпти" деб, сўрагани қулоғимга чалинди. Мени у тенги ўғлим кечаги куни нафл рўза тутган эди, Алҳамдулиллаҳ ва бир вақтни ўзида Астағфируллоҳ.

... Шу шаҳарчани катта жоме масжидида хуфтон намозини ўқидим, бундан тахминан саккиз йил олдин ҳам шу масжидда намоз ўқиган эдим, унда аниқ қанча одам бўлганини эслай олмайман, лекин икки-уч саф одам бўлган эди, бугун эса хуфтонда атига саккиз киши намозга йиғилди, тамом.

Тестери Нежми онасини бузукликка бошлаган устасини, ўзига моддий ёрдам бериб турган устасини кечирмади, ўлдирди, аралаб ташлади ва бирор марта афсусланмади.

Бизни бутун бошлик миллатимизни бузукликка бошлаган, миллат ор-номусини ўлдирган, иқтисодини чўктирган, ибодатдан тўсган, аёлларга шармандалиқ, эркакларга даюслик тамғасини босиб кетган инсонни ўлигини ҳам "отам, додам", деб эслаяпти. Қачон уяламиз бу хорлигимиздан? Қачон уйғонамиз бу мудроқликдан? Минбарлардаги, меҳроблардаги ёлғонларга ишонишни қачон тўхтатамиз? ©

Sayyid Islom

*Муаллифнинг facebook
ижтимоий тармоғидаги
саҳифасидан олинди.*



Ўзбекистонда хусусий тиббиёт фаолияти кенгайди

Президент Мирзиёев чиқарган янги қарорга кўра, хусусий тиббий муассасалар фаолияти кенгайди. Олдин 117 тиббий фаолият турларидан фақат 50 тасига хусусий клиникалар хизмат кўрсатган. Янги қарор бўйича хусусий клиникалар айрим чекловлардан ташқари деярли барча тиббий соҳада хизмат кўрсатиши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев 1 апрел куни "Хусусий тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолаган. Қарорнинг русча матни ЎЗА хабар агентлиги сайтида чоп қилинган.

Podrobno.uz нинг ёзишича, қарор хусусий сектордаги тиббиётчиларга кенг имкониятлар эшигини очади.

"Рухсат берилган тиббий хизматлар кўринишларига эҳтиёж ўта катта бўлган кардиожаррохлик, нейрожаррохлик, микрожаррохлик, онкология, анестезиология, реаниматология, гельминтология, интервенцион кардиология (юррак томирларини мослама орқали тозалаш) ва бошқа мураккаб жаррохлик турлари киритилди", - дейилади хабарда.

Бундан олдинги қонун

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳужжатларида хусусий тиббиёт учун рухсат берилган тиббий хизмат турлари келтирилган бўлса, янги қарорда фақат давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида амалга оширилиши керак бўлган тиббий хизмат турлари келтирилган. Тақиқланмаган бошқа тиббий фаолият турлари хусусий клиникаларда амалга оширилиши

мумкин.

Фақат давлат тиббий муассасаларида хизмат кўрсатилиши керак бўлган фаолият турлари инсон ҳаёти учун ўта таҳликали соҳалар билан боғлиқ. Бунга ўта хавfli ва юқумли касалликлар, токсикологик, венерик, рухий хасталиклар, 1 ёшгача бўлган чақалоқлар хасталиги, туғдириш, хомилани олиб ташлаш, инсон аъзоларини

кўчириб ўтқишиш, қон олишни ташкиллаштириш ва бошқа шу каби муҳим хасталиклар киритилган.

Қарорда шунингдек, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Германия ва бошқа давлатлардаги тиббий марказ ҳамда клиникалар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда йирик муолажа-ташхис муассасаси куриш кўрсатилган.

Манба: bbc.com/uzbek

Сўнги вақтларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида мамлакат таълим тизимининг абгор аҳволи ҳақида нисбатан танқидий мақолалар чоп этиляпти.

Ҳақиқатан ҳам «мамлакатимиз таълим тизими халқаро майдонда эътироф этила бошланган йилларда» ўқитувчилар жамоатчилик ишларидан бери келмайдиган, пахта деса ҳам, шанбалек деса ҳам, ободончилик ишлари деса ҳам биринчи навбатда кўчага қувиладиган тоифа сифатида танилиб бўлганди.

Таълим тизимидаги муаммолар дастурхон қилинаётган аини замонда ўзбек блогосферасида ҳам бу масалага эътибор қаратила бошланди.

Kun.uz сайти ўзбек блогерларининг аини мавзудаги дарду ҳасратларини бир тўплам ҳолида жамоатчилик эътиборига ҳавола этди (<http://kun.uz/news/2017/03/23/bloggerlar-ovozi-ugurdakka-ajlangan-ukituvci>).

«Кейинги кунларда интернетнинг ўзбек контентида ўқитувчилар билан боғлиқ ҳолатлар кенг муҳокама қилинди. Хусусан, Санжар Саид ўқитувчиларни ўз ҳолига қўйишга чақирди, Алп Арслон таҳаллусли блогер ўқитувчилар миллатга энг керакли одамлар эканини эслатди, Диёр Имомхўжаев эса ҳамширалар ва ўқитувчилар бугунги кунда қандай даражага туширилганини баён этди», деб ёзди сайт.

Ўқитувчиларнинг коммунал хизмат ҳақларини йиғиш, маҳалланинг, ҳокимиятнинг ҳар хил ишларини бажаришга жалб қилинишидан хабаримиз бор эди.

Санжар Саид хабаридан эндиликта, ўқитувчилар президентнинг виртуал қабулхонасига келган шикоятлар билан ишлашга мажбур қилинаётганини билиб олиш мумкин.



Блогерлар ўқитувчининг югурдакка айланганини ёзишди

Унда ёзилишича, мактаб директорлари виртуал қабулхоналарга шикоят ёзган фуқароларнинг уйларига бориб, муружаатлар бўйича ишлашга мажбур қилинмоқда.

«Шаҳардаги ҳамма мактаблар директорини чақиртиришибди, туман бўйича шикоятларни ўрганиш учун бўлиб беришди, ҳалиям бизга учтаси тушди, машинаси борларга 18 талаб шикоят ажратилди», дебди у билан суҳбатлашган мактаб раҳбарларидан бири.

Алп Арслон таҳаллусли блогер эса совет давридаги таълим тизимини эсга оларкан, ундан миннатдор эмаслигини, чунки «Ўзбекистонимизда айнан мактаб таълимини ривожлантириш, мактабдаги шароитларни яхшилаш учун ҳеч иш қилинмагани»ни айтади.

Муаллиф советлар давридаги таълим тизимига лаънатлар ўқир экан, мустақиллик йилларида замонавий мактаблар қурилганини эсга олади.

У шўролар замонини танқид қилар экан, бугунги келиб ҳам бир нарса, яъни «ўқитувчига, ўқувчига муносабат ўзгармагани»ни тан олишга мажбур бўлади.

«Ҳали металллом режасини топширишади, ҳали макулатура йиғиш дегандай. Кўзда эса навбати

билан пахтага бориш керак. Эсимда, 3-4 йил олдин ўқитувчилар ҳатто намунали уй-жой қурилишига ҳашарга ҳам бордилар. Умуман олганда, биз ўша Совет Иттифоқи деб аталмиш тузумнинг ҳамма нарсасидан воз кечдик. Фақатгина мана шу оғрикли муаммо бўлмиш ўқитувчиларга муносабатдан бошқа», дея ёзғиради Алп Арслон.

Шундан сўнг у янги президент «ҳамма соҳаларда қатта-қатта ислохотларни бошлаб юборгани»ни билдириш соясида «ўқитувчилар ўзларига тегишли бўлмаган турли «хизматлар»дан батамом озод қилинишлари керак», деган дадил гапни айтишга улгурган.

Шу билан бирга, муаллиф «яқин вақтларда ҳукуратимиз ва президентимиз бу оғрикли муаммога ҳам эътибор қаратадилар», деб умид қилган.

Бошқа бир блогер ҳамшира бўлиб ишлайдиган онаси мисолида ўқитувчилар ва шифокорлар давлатнинг чўрисига айланиб қолгани, улар асосий вазифаси қолиб, турли қоғозбозликлар билан шуғулланишга мажбур бўлаётганини таъкидлайди.

У президентнинг хорижга кетиб қолган ўқитувчилар, шифокорларни юртга қайтариш ташаббусига муносабат билдириб, уларнинг кетиб қолишига сабабларга ишора қилади.

Блог муаллифи Ўзбекистондаги сиёсий хушёрликка даъватларга ҳам истехзо билан қараб, «дунёнинг жамики муаммоси»ни, хусусан, террорчилар, тинчлик, сиёсий вазият, истиқлол ва шулар қаторидаги масалаларни ҳадеб тикиштириш қанчалик тўғри эканига эътибор қаратади.

Баҳодир Шариф
Ўзбекистонлик газетхон
таҳаллуси

Манба: Eltuz.com



Хибсга олиш қандай амалиёти амалга оширилди?

Полицияга кўрсатма бериб, мени хибсга олган аслида FETÖ эди. Қирғизистонда молия ширкатлари томонидан уйлари ва моллари мусодара қилиниб зарар етказилган 50 тача оила бор. Уларга бошпана бўлиши ва қоринларини тўйгаза билишлари учун бир ёрдам чодир ташкил қилдим. Бу чодир асосий йўлнинг четига жойлашган эди. Хибсга олиш учун бу чодир асосий йўлга

турли ахборот воситаларига етказдик. Оддий шароитларда халқ норозиликлардан аввал маҳкамага чиқиши ва қонуний тарзда ҳақларини химоя қилишлари керак эди. Аммо ҳеч бир қонунга амал қилинмади. Маҳкамага чиққан вақтимда эса прокурор ҳеч нарса сўрамасдан ҳуқум чиқарди. Юқоридан шундай кўрсатма берилганди: Мадмаровга қандай жинойий жавобгарлик юқласангиз юқланг, ичкарига ташланг.

“FETÖ куч йиғиш учун Қирғизистондан қўлланмоқда”

Қирғизистон халқи нимадан норози, тафсилотларини айтолмасизми?

Қирғизистонда халқ шундай кийинчиликларга учрамоқда. Аввалдан бизда режалаштирилган иқтисодиёт бор эди. Ҳозир уни йўқ қилдилар ва бозор иқтисодиётига айлантдилар. Баъзи молия ширкатлари бор. Пулга эҳтиёжи бўлган фақир халқ бу молия ширкатларидан кредит олиш учун ўз номларидаги уйлари, дўконлари, қиммат баҳо ашёлари ва ер майдонларини бу ширкатларга бераптилар. Ҳукумат қўллаб-қувватлаётган бу молия ширкатлари халқга юқори фоизлар юқлашмоқда. Халқ бу фоизларни кўтараолмагач эса ширкат тўғридан-тўғри халқнинг таъминотини таъминлаётган молларини мусодара қилмоқда. Натижада халқ уйсиз, пулсиз қолмоқда. Халқ қорнини тўйгазиш учун ўз молларини бу ширкатларга беришга мажбур. Бошқа бир чораси йўқ. Бу молия ширкатларидан жабрдийда халқнинг молларини қутқаришга урунъяпмиз. Бу молия ширкатларини ҳукумат қўллаяпти. Ўтган йиллар давомида амалга оширилган инкилобларда ҳукумат бошидагилар алмашди, аммо тузум ўзгармади. Бу тизимни Қирғизистонда илдиз оттирган эса FETÖ дир. FETÖ 90 йилларда очган мактабларида ёки Туркияда ўқитиб етиштирган одамларини 2000 йиллар бошида ҳукумат бошига келтирди. Ҳозирда тўғри Президентликка қараб кетмоқдалар. Албатта фақат ўша мактаб битирувчилари эмас, юқорида айнан Гуланчилар ўтирибди. Полиция ташкилоти, парламент, саноатнинг ичига FETÖ

ТЕРРОР ТАШҚИЛОТИ ҚИРҒИЗИСТОН ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРИ ОРТИДАН БОЙИМОҚДА

Фатхуллоҳ террор ташкилоти (FETÖ) кўрсатмаси билан ўтган hafta хибсга олинган “Қирғиз Робин Гуди” лақабли Қирғизистон инсон ҳуқуқлари химоячиси ва Қирғизистон Кўлка ҳукумати аъзоси Мадмаров Абдумажид, Туркиянинг “Янги Бирлик” газетасига FETÖнинг парламент билан биргаликда, Қирғизистоннинг барча ишлаб чиқариш тармоқларини ҳам қўлга олганлигини айтди

Мадмаров Абдумажид, Қирғизистонда қарзларини тўламаганлиги учун банклар тарафдан уйлари мусодара қилинган 50 оиланинг кўчада қолиши хавфи ортидан ёрдам чодир ташкил қилиб, у ерда жабрланувчи фуқароларга озик-овқат тарқатишга ҳозирлик кўриляётган вақтда, бир гуруҳ полиция ходимлари томонидан зўравонлик қўллаш билан хибсга олинган эди. Тахминан 5 кун сўнгра озод қилинган Абдумажид Мадмаров, маҳкамага олиб борилганида ундан ҳеч нарса сўрамасдан, алоқаси бўлмаган турли айблар билан ҳукм ўқилганини айтди. Ўзи устидан тергов давом этаётган Мадмаров, FETÖнинг Қирғизистонга қандай қилиб ўрнашиб олганлигини ва мамлакатнинг даромад манбаларидан қандай фойдаланишини тушунтириб берди.

чиқиб кетган дега баҳонадан қўлландилар. Бунинг устига айни йўлда 60 метр олдинроқда бир ресторан ҳам бор ва у асосий йўлни деярли ёпиб қўйган бир ҳолатда жойлашган. Йўлни ёпиб қўйган ресторанга нисбатан бир норозилик йўқ, аммо йўл четигаги ёрдам чодирга бор. Қирғизистонда адолат мана шундай ҳолатда.

“Мадмаровни ичкарига ташланг”

Қирғизистонда амалга ошириляётган ҳуқуқбузарликларни чет мамлакат ахборот воситаларига чиқариш жиноят ҳисобланади. Ҳукумат фуқаро ҳуқуқларини осонликча оёқ ости қила олади. Айни вақтда менинг ҳақ-ҳуқуқларимни ҳукумат ҳеч қандай изоҳсиз оёқ ости қилди. Хибсга олинган вақтимда бу ҳақда ҳеч бир баёнот берилмади. Истаган жиноятлари учун жавобгар қила оладилар. Алоқам йўқлигига қарамай ноқонуний равишда маҳкама файлимга кетма-кет турли жинойий ишлар учун жавобгар эканлигим ёзилган. Қирғизистон ҳукумати менинг ҳуқуқларимни яширмасдан очикчасига оёқ ости қилмоқда. FETÖ ҳокимлик қилаётган ҳукумат сўроқ-саволсиз осонгина поймол этмоқда. Бошқа томондан ноқонуний тарзда, ҳеч бир кўрсатмасиз моллари мусодара қилинган халқнинг норозилигини

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўрнашиб бўлган. FETÖ

Қирғизистон ортидан қозонган пуллардан ўзини кучайтириш учун қўлланмоқда. Шу сабабдан халқ Қирғизистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланолмаяпти. Эҳтиёжларини қопламаганлари каби халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинмайдиган ҳолатга келтирилди.

“Ташкилот мендан қутулишга урунди”

Халқни мадан норози бўлмоқда?

Қирғизистонда текстил, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, энергетика саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг назорати FETÖнинг қўлида. Тизим шу шаклда: Ишлаб чиқарувчидан маҳсулотларни арзон нархга сотиб олган ҳукумат қўллаб-қувватловчи FETÖчи тадбиркорлар уларни бошқа бир улгуржи савдо ширкатига сотади, сотиб олган улгуржи савдо ширкати ҳам яна бошқа

бир ширкатга сотади. Маҳсулот халққа етиб келгунча камида 5 та қўлдан ўтади. Бунча қўлдан ўтиб келган маҳсулот нархи эса халқнинг қўлига келганича деярли икки баробар ошади. Шундай ҳам оғир шартларда ҳаёт кечириётган халқ эса эҳтиёжи бўлган озиқ-овқат, текстил, иситиш, соғлиқ учун керак бўлган маҳсулотларни ололмаяпти. Бу эҳтиёжларини қоплаш учун қўлида борини молия ширкатларига гаровга қўйиб, ўрнига нақд пул олмақда. Юқори фоизлар билан қарзни тўлашни қийинлаштирган молия ширкатлари эса осонлик билан халқ молини ўзлаштириб олмақда. Мен бу тизимни ўзгартириш учун йиллардир ҳаракат қилаяпман. Мен ҳаракат қилиб, қўлимдан келганича тўсиқ бўлганимда ва FETÖ га қаршилик кўрсатганимда эса FETÖ мендан қутулишга урунмоқда. Норози халқнинг олдида эса фақатгина халқнинг ўзи бор. FETÖ ҳукумати жабрдийда халққа ўзи ёрдам бермаганидек, уларга ёрдам беришга урунган биз кабиларнинг бўйнига уйдирма жиноятларни осиб бартараф қилмоқда. Биз

ҳозирда халқ билан бирлашиб, бу эҳтиёж маҳсулотларини бевосита халққа етказиш устида ишляпмиз.

Табийий бойликлардан сўз очган эдингиз...

Қирғизистон ҳукумати ҳимоясига кириб олган FETÖга ҳукумат томонидан даромад билан таъминловчи ширкатлар устидан тўлиқ ҳокимият ҳам берилди. Бу ширкатлар Қирғизистоннинг табийий бойликларини ҳам симирмоқда. Қирғизистонда олтин, қумуш ва бошқа қиммат баҳо қазилма бойликлар заҳиралари бор. Бу заҳиралар Қирғизистон халқининг жон бошига тушадиган даромад миқдорини 250 минг долларга етказа оладиган ҳажмдадир. Шу даражада катта заҳиралар ҳақда гап кетмоқда. Бу заҳиралар ҳам FETÖнинг қўлида ва бу террор ташкилоти борган сари янада кучаймоқда.

Манба: *YeniBirlik*

Туркия туркчасидан ўзбекчалаштирилди

Кечаги кунги жумани сал четроқда бўлган кишлоқдаги масжидда ўқидим, одамларни турмуш даражаси юриштурушидан, кийимидан анча оғирлиги кўриниб турипти.

Кўчат экиш билан бошланган мавзунни, домла усталик билан шукурга олиб бориб тақадилар «шу кунимизга шукур қилайлик, шукур қилишга буюрилганмиз, дунёни қанча қанча жойларида урушлар бўлаётгани, очарчиликлар бўлаётгани, доридармонлар етишмаслигидан болалар ўлиб кетаётгани ҳаммамизга маълум, шунинг учун шукурни кўпайтирайлик, юртимиз тинчлигига, осмонимиз мусаффолигига, эртанги кунимиздан кўнглимиз тўқлигига, хуллас, ҳамма-ҳаммасига шукур қилишимиз керак» домла шу гапларни гапирётганида беихтиёр олдимдаги йигитни пайпоғига кўзим тушиб қолди, иккаласи ҳам йиртиқ. Ёнидаги амакини маҳсисида ямоқ бор, кўзимни олиб-қочиб ёнимга қарасам ёнимда ўтирган одамни бош бармоғи пайпоғидан чиқиб турубти, шунчалик ҳам тасодиф бўладими?

Яхши ҳам шу домлалар учун Сурияда уруш бўлгани, бўлмаса нимани мисол қиларди билмайман, ундан кўра “мусулмон одам бой бўлиши керак, ана Қатарни, иккови Арабистонни, Туркияни кўринлар, улар ҳам сиз билан бизга ўхшаган мусулмонлар, кеча телевизорда Қозғистонни кўрмадиларингми? Қоқ чўлни ўртасида мегаполис куриб ташлаган, мусулмон одам лаллайиб

Нимага шукур қилай?

ўтирмасдан ҳаракат қилиши керак, ўшалардан нима камимиз бор” деса бўлмайди?

Топиб олган гапи, СССРдан мустақил бўлганимизга энди 25 йил бўлди, ҳамма нарсани ҳам бошида қийинчилиги бўлади.

Нима Қозғистонни мустақил бўлганига 75 йил бўлди?

Ёки улар СССРни бошқарганми?

Битта мард одам бўлсаю, имомни олдига бориб:

Нимага шукур қилай? Мусулмон юртларда уруш бўлаётганими? Мусулмонларни қанчаси бошпанасиз қолаётганими?

Норасидалар бомбалар тагида қолаётганими?

Ўзини юртида сиғинди бўлаётган Фаластинликларни холигами?

“Ла илаҳа иллоҳ”, деб турган биродарларим бир-бирини ўлдирётганими?

Ёки дуодан бошқа ҳеч нарсага ярамай турганими?

Ёки ўзимиздаги аҳволгами?

Сизга ўхшаган ахли-илмни иштонсиз билан ёнма-ён қилиб ўтирғизиб, телевизорга олиб чиқиб масҳара қилаётганими?

Ёки умматга қанча фойдаси тегиб оламдан утган Шайх роҳимахуллох ўлганида мик этмасдан, замонани

фиръавни ўлса кўз ёши қиладиган, касбингиз нима десангиз, фақатгина «Ислом дини» дейиши қолган Абдулдийнор имомларга кунимиз қолганими?

Ёки «шариатда йигирма, кирқ каби майитга маросимлар қилинмайди», деб туриб ўзи ўша дастурхонни тўрида бўлган иккиюзламачи ахли-илмларимиз борлигими?

Ёки бенамозларга киёмат кунда биринчи намоздан сўраласан, Роббинга эгилгин дейишни ўрнига, намозхонларга сан бундай намоз ўқиганинг учун ҳали жавоб берасан деб турган, икки гапни бирида мазҳабдан гапирадиган бемазҳаблар меҳробда турганими?

Аёлларимизни рўмолини ечиб олишса индамай туришимми?

Ўғилларим билан масжидга кира олмай турганими?

Ҳар сафар соқол олиб турганимдаги аҳволимми?

Нимага? Нимага? «Ёки, ёки...» деб туриб, пайпоғини тешигидан «бош бармоғини» чиқариб, «манавинга» шукур қиламанми?» деса. ©

Sayyid Islom

Манба: facebook.com

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов